


Ўзи йўқнинг кўзи йўқми?



13:23 / 10 декабрь 1243

Халқимизнинг гўзал ташбеҳлари, иборалари бисёр. Шулардан бири «Ўзи йўқнинг кўзи йўқми?» жумласи бўлиб, бу ибора бировнинг ортидан ёмон иш қилганларга дакки беришда айтилади. Яъни «бир кимса ёнингда бўлмаса, у кўрмаяпти, деб билганингни қилаверасанми», деганидир. Бу иборани телефонда хабар алмашадиган айримларга ҳам қўлласак ҳам бўлар экан деб ўйлаб қолдим.

Баъзан бир киши билан ёзишиб турсам, у хабаримга жавоб бермасдан тармоқдан чиқиб кетади. Суҳбатдошим мени бу борада огоҳлантирмагани учун ҳамда ўзаро фикр алмашишимиз яқунланмагани учун хаёлим бўлиниб қолади. Орадан бирор соат ўтиб ҳалиги кишидан кутган хабаримга жавоб келади. Унга «Нега чиқиб кетдингиз, сизга савол бериб турган эдим?» десам, «Ёнимда одам бор эди, узр», дейди. Ёнидаги одамнинг ҳурмати бор-у, ёнида бўлмаганники йўқми?! Узрини олдинроқ сўраб қўйса бўлар эди-ку!

Шундай вазиятда ёнингиздаги кишига «Узр, бир дақиқага рухсат берсангиз» деб, кейин мессенжер орқали сизга ёзиб турган кишига: «Узр, ёнимда одам бор эди, кейинроқ жавоб бераман», деб хабар юборсангиз олам гулистон бўлади! Иккала томон ҳам ҳаққини ҳалол қилганингиз учун сиздан мамнун!

Баъзилар ёнидаги кишининг риоясини қилмай, унинг гапига бош ирғаб, бошқа билан ёзишиб тураверади. Кўпчилик эса «вақтим бўлганда жавоб

бераман» деган ўйда ёнида бўлмаган кишининг риоясини қилмайди. Бу эса одобсизликдандир.

Ҳозирги кунда ижтимоий тармоқ орқали хабарлашиш кундалик одатларимизга айланиб бўлган. Жуда кўп ишларимизни шунда битирамиз, яқинларимиздан ижтимоий тармоқ орқали ҳол сўраймиз. Шундай экан, кичик кўринган бу одобга ҳам риоя қилишимиз керак. Ўзи йўқнинг кўзи йўқ деб билманг.

Ғиёсиддин Юсуф

«Ҳилол» журнали 4(61) сон